



ДАДАМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Ассалому алайкум, «Постда» рўзномаси таҳририяти ходимлари!

Рўзнома чиқа бошлаганидан бир милиция ходимининг қизи сифатида ғоят қувондим. Одат бўлиб қолган, унинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб бораман. Чунки тинчлик посбонининг машаққатли, таҳликали ва хавфли хизмати эвазига топилган нонни еб улғайяпман. Табиийки, дадамнинг ҳамкасблари фаолияти мени бефарқ қолдирмайди.

14 йилдирки, дадам эл-юрт осойишталиги йўлида тер тўкиб келаяпти. Шу боис бу касбнинг ўзига хос қийинчиликларини ҳар ҳолда тасаввур этаман.

Ўртоқларимнинг уйига борсам, тўғриси, ҳавасим келади. Бутун оила аъзолари тўкин дастурхон атрофида жамул-жам эканлигини кўраман. Бизда-чи? Ҳатто ойлаб дадам билан бафуржа чой ичиш насиб қилмайди.

Бошқаларнинг дадаси фарзандлари билан шуғулланишга, ўқишлари билан қизиқишга, кези келганда пешонасидан ўпиб, эркалатишга вақт топади. Менинг дадам эса деярли доимо ишда, ишхонасида бўлади.

«Ишхонаси» деганим — ИИБдаги кабинетими, кўча-кўйда муштлашаётган маст-аластлар орасими, жиноятчининг ортидан қувиб бораётган йўлми — анигини билмайман.

Ҳатто икки-уч ҳафталаб уни кўрмаган пайтларимиз бўлган. Кўпинча биз ухлаган пайтда келади, уйғонмасимиздан олдин яна хизматга кетган бўлади.

Бошқаларнинг дадаси эса кундузи ишга боради, қолган пайт уйда — фарзандлари даврасида бўлади.

Йўқ, мен бу гапларни ёзаётиб, гина

қилаётганим йўқ. Аксинча фахрланаяпман. Ҳаётда ҳар кимнинг ўз ўрни борлигини энди тушуниб етганимни айтмоқчиман, холос.

Кўча-кўйда баъзи одамларнинг айтган гапларига гувоҳ бўлган пайтларим бор. Уч-тўрт киши гаплашиб туриб, милиционерни кўриб қолса, пинҳона мазах қилишади. Кетдик бу ердан, ануви келаяпти, дейишади.

Ҳатто ўзим ҳам «мелисанинг қизи» деган гапларни ва киноя аралаш кулгиларни кўп эшитганман. Лекин билишмайдики, «мелисанинг қизи» деган ибора уларнинг назарида ҳақорат, мен учун эса фахр!

Лекин юрагимни бир нарсга ғаш қилади. У ҳам бўлса, ўз манфаати йўлида милиция ходимлари орасига кириб олган номуносиб шахслар. Лекин аниқ биладиман, вақти келиб улар сув юзасидаги кўпикдек ажраб қолишади. Милицияда дадам ва дадамга ўхшаш ҳалол инсонлар хизмат қилади.

Гулчеҳра ВАЛИЕВА,
Фарғона вилояти Киров туманидаги
36-ўрта мактаб ўқувчиси.

ТАҲРИРИЯТДАН: биз Гулчеҳранинг мактубини икки-уч мартадан ўқиб чиқдик. Лекин унинг отаси исм-шарифини тополмадик. Кейин ўзимизча фикр қилдик: эҳтимол, қизгина тўлқинланиб кетганлиги учун буни унутгандир, эҳтимол, камтарлик қилгандир. Нима бўлганда ҳам гап бунда эмас. Негаки, Гулчеҳранинг отасига ўхшаш фидойи ҳамкасбларимиз ҳам, улар билан том маънода фахрланадиган гулчеҳралар ҳам кўп.

ЛАТОФАТДА АЁЛНИ ДОҒЛАБ



Ҳойнаҳой ушбу суратда тасвирланган «дилбар»ни кўриб, ҳар бир юрагида ўти бор йигитнинг бадани жи-мирлаб кетса керак. Унга нигоҳи тушган эркак дадил қадамлар ташлаб, унинг олди-га бориси ва соҳибжамол-га муҳаббатини изҳор этгиси ҳелса, ажаб эмас. Унга талпинишга шошилманг, азиз йигитлар. Сабабини билмоқчи бўлсангиз, 3-бет-га қаранг.

СОХТА

ЭЛЕКТРИК

Болта билан электр тармоқларини тузатишга энг шинар-ган монтерини кўргансизми? Яқинда Тошкент шаҳар бешб-ғоч даҳасидаги уйлардан би-рининг эшитини тақиллатган кимса ўзини «электрик» деб таништирди. Хонадон эгаси-нинг 10 ёшли ўғли «мулойим» амакига эшенини очди-ю, роса балога қолди.

Болта билан уйга кирган но-маълум киши норасиданинг ўтаксини ёргудай бўлиб, унинг қўл-оғини боғлаб таш-лади. Кейин уйдаги 26 хил жи-йим-кечак, 4 донга заргарлик буюмларини олиб, уйни тарк этди.

С. СУЛАЙМОНОВ.

КУТИЛМАГАН

ҲАЛОКАТ

Ғиждувон районидagi Эн-гельс номли жамоа хўжали-ги ҳудудида жойлашган Маҳалламирон ва Лабируд қишлоғида юқори вольтли устун симларининг узили-ши сабабли фожиа бўлди. У радио ва телефон симла-рининг устига ағдарилиб тушган. Бухоро вилояти ич-ки ишлар бошқармасининг ходими милиция капитани Н. Муҳамедов бўлмаганида, ундан ҳам оғирроқ фожиа рўй бериши мумкин эди. Н. Муҳамедов ток тақсимлагич-ни ўчириб, жабрланганлар-га дастлабки ёрдам берди. Бинобарин, содир бўлган воқеанинг оқибатлари фо-жиа билан тугади — икки киши ўлди, 9 киши электр токи уриши натижасида жароҳатланди. Бир неча киши Ғиждувон район касалхона-сининг жадал даволаш бў-лимига ётқизилди.

Энди тегишли идоралар рўй берган мусибат сабаб-ларини текширишлари, айб-дорларни жавобгарликка тортишлари керак.

Н. САФАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ПУЛ ҲИДИ ДИМОҚҚА УРИЛСА...

Хўп ажойиб замонлар кел-дида. Қўрбниг етса, эрта-лардагидек афсонавий қаср қур, пулниг дурустроқ тош босса, тумшуги булутлар кў-сини тилка-пора қиладиган самолёт сотиб ол. Лекин ҳар қандай эркатойлик ҳам қонун аталмиш чегара чиз-гидан чиқмасин. Шунда на юмалоқ-ёстиқ хат битувчилар, на тилига зўр берган гийбат-чилар тишини қайрайди, на темир панжаралар тушинг-даю ўгинида баданга титроқ югуртиради. Афсуски...

Жиззах шаҳридаги қури-лиш ташкилотларидан бири-да баҳолм қудрат кун кечи-раётган қоровул Аҳмад Аҳ-медов тирикчилиги дарадида ўзини ўтдан қўйица ураб-гаиларин кўриб, тишндан тамоман бебаҳра бўлди. 31 ёшида ақл тиши чиқиб, ўқу-вин синаш мақсадида ўзини тадбиркорлик бозорига урди.

Шифокор кўчасида исти-комат қиляётгани учун кўп уйлашиб ўтирмади. Шундоқ-қина уйда шартта «шифо-бахш» ичимини тайёрлайди-ган иккинчи корхона очди-қўйди. Хийл «чаласаводлиги» қўрмагур бир арзимас нар-

сани тушунишга халақит бе-рибди: корхона ҳеч қерда «рўйхат»дан ўтмади. Ҳа, май-ли, одамлар «бахт-саодати», қўлтумига зор чапанни йигит-лар дуоси йўлида нималар-га тайёр эмас, киши! Бунинг устига тўғони очилган сув-дек оқиб келадиган пулниг ширин ҳиди димоққа урилиб, ажиб туйғулар оғушига отиб турса.

Қўлбола заводда «маҳсу-лот» ҳозирлаш жуда сиғлиқ кетаётганди. Кўз төгди. Ора-га милиция суқилди-ю, ишнинг пачаваси чиқди. Шу йил 17 май кун осмондан тушини-дим, ердан чиқишдим, уй-ни тўсатдан БХСС ходимлари босишди.

Қалбани ароқ ижодкорла-ри шу қадар берилиб иш-лашганидан уларни аввалига пайқашмади. Ахир, бозор иқ-тисодиётининг ўтда ёнимас, сузда чўммас шиори ҳамма-га маълум ва машҳур. Вақт — бу пул дерак. Начора, шунга қарамасдан «Кристалл» шир-кати ишчиси 30 ёшли Анвар Шўхратов, расман ғирт бе-корчи 29 ёшли Ҳаким Хўжа-қулов ва 28 ёшли Дамир Маҳ-камов, «Ўзбекистон» жамоа

хўжалиги аъзоси 28 ёшли Абдукарим Соатов, «Победа» жамоа хўжалиги аъзоси 27 ёшли Баҳром Шодмонов, Киров номи жамоа хўжа-лиги аъзоси 23 ёшли Расул Ходиевлар серфойда маш-гулотдан бош кўтаришга маж-бур бўлдилар.

Табиийки, қўлбола завод жойлашган уй титтувдан ўт-казилди. 1300 шиша ясама ароқ харидорлар томоғини қўллашга тайёрлаб қўйилган экан. Шунингден, 2 минг литр спирт, шиша қопқоғини мус-таҳкамлайдиган электромосла-ма, «Рус ароғи»нинг 18 минг донга шиша ёрлиғи, 0,5 литр-ли сиғимдаги 7 минг донга шиша идиш, 2 минг донга қоп-қоқ, олим, тиндирғич воси-талари, турли сиғимдаги идишлар, анча миқдорда ҳинд чойи топилиди.

Ҳозир тергов ҳаракатлари қизғин олиб борилаётган-ди. Шу муносабат билан ясама ароқ чиқаришга ихтисослаш-ган иккинчи корхона «меҳнат-чиларининг исм-шарифлари бироз ўзгаришиб кўрсатил-ди. Фурсат ўтказиб, бу мав-зуга қайтиш ниятимиз бор.

Ғайратжон БОЛТАБОВ.

ИНСПЕКТОР ЁРДАМГА МУХТОЖ

Кимки жиноятнинг олдини олишга имкони бўла туриб, уни қилмаса, у жиноятни рағбатланттиради. СЕНЕКА.

Сўнгги йилларда балоғатга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноят ва тартибузарликлар кескин даражада ўсиб бораётган. Бу эса ҳақиқат равишда ҳаммани таъширлантirmoқда. Жамоат транспортларида, кўча ва хийобонларда ёшлар баъзан тўда-тўда бўлиб, дилхуфтонликлар қилишмоқда. Беҳаё сўзларни баралла айтиб, одамларнинг иззат-нафосини тегмоқдалар. Улар ҳаттоки тап тортмай оғир жиноятларга қўл уришяпти. Бундай хунук воқеаларнинг гувоҳи бўлганлар ҳақиқат равишда милиция ходимларига нисбатан эътироз билдиришмоқдалар.

Ҳақиқатдан ҳам бунинг учун милиция ходимлари айбдорми? Умуман қонунчиликда тарбияси издан чиққан бундай ёшларга нисбатан қандай чора кўриш назарда тутилади? Тўғри, жиноят содир этган бола ва унинг ота-онаси жавобгарликка тортилади. Бироқ балоғатга етмаганларга нисбатан кўп ҳолларда жиноий иш қўзғатилмайди. Албатта, бу нарса унинг ёши ва содир этган жиноятнинг даражасига ҳам боғлиқ. Иш судга етиб борган тақдирда ҳам, ўсмир жазо тариқасида шартли равишда озодликдан маҳрум қилинади ёки жазонинг ижро мuddати кечиктирилиши мумкин. Яъни жиноятчи аввалгидек яшайверади. Фақатгина у халқ суди томонидан қўйилган мажбурийятларни бажариши керак. Чунки кеч соат 21 дан кейин жамоат жойларида бўлиши таъқиқланади, ўқиш ёки иш жойлари ҳамда турар-жойи милициянинг рухсати билангина ўзгартирилади. Агарда мажбур ушбу мажбурийятларга риоя этмаса, шундагина у тарбиялаш меҳнат колониясига юборилади. Буни эса туман ички ишлар бўлими балоғатга етмаганлар иши бўйича инспекциясининг инспектори назорат қилиб боради.

Умуман олганда ҳар қандай қонунга хилоф иш қилган бола ва унинг ота-онаси ёхуд болани ўз қарамоғига олган шахс халқ депутатлари Кенгаши ижроия қўмитаси қoшидаги балоғатга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг мажлисида муҳокама қилинади. Қонунбузар болага жамоатчи тарбиячи бириктирилади. Кейинги назорат ва тарбиявий ишлар эса асосан инспекторнинг зиммасига тушади. Чунки комиссия аъзолари ва жамоатчи тарбиячи учун бу иш иккинчи даражали ҳисобланиб, уларга маош ҳам тўланмайди.

Мана, балоғатга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятчиликка қарши ажратилган кучлар ҳамда мавжуд бўлган қонун. Юқорида қайд этганимиздек халқ судлари жиноят содир этган болаларни ҳар доим ҳам озодликдан маҳрум этавермайди. Инсонпарварлик қилади. Бироқ айбланувчининг шахсини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш ва у озодликда қолдирилган тақдирда ҳам қайта шундай ҳатти-ҳаракат қилмаслигига ишонч ҳосил қилиш борасида халқ судьяларида таъсира ва билим етишмаяпти. Фақатгина ўтган йили Тошкент шаҳрида 1914 нафар балоғатга етмаганлар жиноят содир этганлар. Жазо мuddати ке-

чиктирилган ҳамда шартли равишда озодликдан маҳрум этилган 166 ўсмир эса қайта жиноят содир этган. Шу йилнинг уч ойи мобайнида ҳам 381 нафар ёшлар жиноятга қўл уриб, улардан 27 нафари озодликда қолганликлари эвазига яна қайта жиноят қилдилар.

Умуман жумҳуриятимиз бўйича 1990 йилда балоғатга етмаганлар томонидан 5570 марта турли хил жиноятлар содир этилди. Унинг иштирокчилари эса 5588 нафар ёшлардир. Шу далилларнинг ўзи ҳам ёшлар тарбияси билан шуғулланиш қай аҳволда эканлигини кўрсатиб турибди. Мактаб ва билим юртиларининг мураббийлари ўз вазифаларини фақатгина синфда дарс ўтишдан иборат, деб билмоқдалар. Йўқса, 1990 йилда балоғатга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаларига 2854 нафар билим юрти ва ўрта мактабларнинг дайди ўқувчилари қаердан келиб қолиши экан?

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Ҳозирда хулқи оғир бўлган ёшлар тарбияси билан турли ташкилот ва алоҳида ходимлар шароити ҳамда имкониятлари даражасидан келиб чиқиб, тарқоқ ҳолда иш олиб бормоқдалар. Афсуски, бу уришлар ҳеч қандай ижобий натижа бермаяпти. Асосий оғирлик эса балоғатга етмаганлар иши бўйича инспектор зиммасига тушяпти.

Тасаввур қилинг, ўрта мактабнинг ҳар бир синф раҳбари 30-35 ўқувчига жавобгар ҳисобланади. Шундан нари борса 3-4 ўқувчига алоҳида тарбияга муҳтож бўлиши мумкин. Балоғатга етмаганлар иши бўйича инспектор хизмат кўрсатадиган ҳудудда эса 3-4 минг аҳолидан ташқари яна мактаб ва билим юрти бўлади. Ана энди биргина инспектор милиция ҳисобида турувчи қонунбузар ва тарбияси оғир бўлган оилаларни назорат қилсинми ёки мактаб ҳамда билим юртида режадаги тадбирларини ўтказсинми? Бундан ташқари инспекторнинг кўп вақти шикоят ва аризаларни кўриб чиқишга кетади. Шундай бўлгач, асосий ишлар амалга ошмай қолаверади. Бошқача айтганда, на у ёқли, на бу ёқли бўлиб, ўртада қолган ўсмир қаровсиз қолга тушмоқда. Натижаси эса маълум...

Бундан ташқари, кўпчилик жойларда ўқувчилар мактабдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш олимаптилар. Мавжуд бўлган тўғри ва спорт секцияларида ўз ихтиёри билан келган ёшлар шуғулланмоқда. Алоҳида назоратга олинмиш керак бўлган болалар ва ўсмирлар ҳамон тараллабедодда. Биз юқорида таъкидлаб ўтган жиноятларнинг тенг ярмини ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида содир этганликлари бунинг исботидир.

Мактабларнинг маъмурияти собиқ ўқувчиларнинг кейинги тақдир билан умуман қизиқмай қўйганлар. Ваҳоланки, мактабни бириктириб кетган ёшлар то би-роқ ўқиш ёки ишга жойлашиб олгунларича ўқитувчилар назоратида бўлишлар зарур. Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг ҳар тўрттадан биттаси саккизинчи ёки ун-инчи синфни тугаллаб кетиб, бекор юрганлар ҳисобига

тўғри келмоқда. Бундан ташқари ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ҳар йили 4-5 минг нафар ўқимай ва ишламай юрганлар аниқланмоқда.

Айрим ота-оналар бола тарбиясига умуман эътибор бермай қўйдилар. Уларнинг хонадонидан инсоний ҳислатлар ўрнини ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик каби жирканч иллатлар эгаллаб олган. Жиноятчи ёшларнинг 70 фоиздан кўпроғи шундай оиланинг фарзандларидир. Тўғри, бундай ота-оналарга нисбатан тегишли чоралар кўриляпти. Халқ судлари томонидан улар ота-оналик ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилиниб, фарзандлари болалар уйига топширилмоқда. Бироқ носоғлом муҳитда дунёқараши заҳарланиб қолган гўдак қаерда бўлмасин, барибир ўз «хунар»ини кўрсатади. Бошқа тенгқурларига албатта салбий таъсирини ўтказиши. Улар мунтазам болалар уйдан қочиб кетишади. Кўча-кўчаларда йиртиқ ва юпун ки-

си ҳисобида турарди. Унга нисбатан қўлланган барча тарбиявий чоралар беҳуда бўлиб қолаверди. Сўнгги Г. ва унинг турмуш ўртоғи Сергейни нима қилиб бўлса ҳам, бирор жойга юборишларини сўраб, милицияга арз қилишди. Утган йили Сергей ёпиқ ҳолдаги билим юртига жўнатилган эди. Ёки унинг дўсти Виталий Ҳақимовни олайлик. У ҳам ўқишдан воз кечган. Муқаддам жиноятга ҳам қўл урган. Бироқ унинг ёшлиги ҳисобга олинмиш жиноий иш тўхтатилган. Виталий ўзи яшайдиган мавзеда тенгқурлари орасида «хўжайин» ҳисобланади. У доимо ўсмир болаларга тазйиқ ўтказиб келади. Ота-оналар ва мактаб ўқитувчилари ёзган шикоятларнинг чеки йўқ. Безори боланинг ота-онаси эса бунга бефарво. Уларга танбеҳ берган кишининг ўзи балога қолади. Виталий ҳам ёпиқ ҳолдаги махсус билим юртидан яқинда қайтиб келди. «Озодлик»ка чиққанлардан яна бири 15 ёшли Сергей Желудковдир. Бу ўсмир махсус билим юртига юборилишидан аввал бир қанча ўғирлик ва безориликларда иштирок этган. Болалар уйига топширилгандан кейин ҳам уни тарбиялаб бўлмади. Доимий равишда қонунбузарлик қилиб, олти ой давомида қочиб юрган. Сергей ички ишлар ходимлари томонидан қидириб топилганди. Унинг отаси йўқ. Ониси эса ақлий ожиз. 16 ёшли опаси ҳам бор (ўтган йили фарзанд кўрган). Лекин у укасини тарбиялаш ва назорат қилишга ожизлик қилади.

Яна бир гуруҳ 14-15 ёшли ўсмирлар автомашина олиб қочиш ва бошқа ўғирликлар билан шуғулланиб келганлар.

Афсуски, бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Ёнг аянчлиси эса улар ҳозирда яна аввалгича ҳаёт кечирмоқдалар. Уларга бириктирилган инспекторнинг туну кун пойлоқчилик қилишга вақти ва имконияти йўқ. Бунинг устига ёпиқ ҳолдаги махсус билим юрти ҳам ёпилган. Қисқаси балоғатга етмаганлар иши бўйича инспектор боши берк кўчага кириб қолди.

Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи, деб халқимиз бежиз айтмаган. Шундай экан, нима учун биз ёмон отга ўхшаган бундай ёшларни жолвосиз қўйиб юборишимиз керак? Эҳтимол, «Гуманний қонун»га хилоф иш қилишдан қўчиётгандирми? Ундай бўлса, бу қора кўзларни қора курсида ўтиришларини хоҳлаётган эканмизда. Ёки қамоқхоналарда ўтирган болалар сон камлик қилишми? Ахир, бизнинг бугунги қаттиққўллимиз ёки меҳрибонлигимиз ёшларнинг эртанги тақдирини белгиламайдими?

Бизнинг фикримизча зудлик билан биринчи навбатда ёпиқ ҳолдаги махсус билим юртини қайта ташкил қилиш зарур. Кучайтирилган назорат ўрнатилган бу даргоҳга эса тажрибали педагоглари жалб этиш керак. Тарбияси оғир бўлган ёшларни ҳеч қандай қорғозбозликсиз шу ерга олиб келиниши мақсадга мувофиқдир. Шундагина ёшлар ўртасида авжга чиқаётган қонунбузарликнинг олдини олган бўламиниз. Вақти келиб ўз йўлини топиб олган бу ўсмирлар бизни тушунтишади.

Исмоил МИНАВВАРОВ,
«Постда» мухбири.



Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг навбатчилик қисмида милиционерлик касбининг аччиқ чучугини анча татиб қўйган ходимлар кўплаб топилади.

Уларнинг орасида кўпчилик милиция майори Исроиљон Ҳасановнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади. У навбатчилик қилаётган пайтида ахборотларни қабул қилишга, улар асосида куч ва воситаларни ишга солишга ҳаракат қилади, ариза ва шикоятларни вақтида расмийлаштиради.

СУРАТДА: милиция майори Исроиљон Ҳасанов ёрдамчиси милиция капитани Баҳодиржон Воҳидов билан.

Ғ. УҒАЙДУЛЛАЕВ
олган сурат.

ҚОЧОҚ ОТАЛАР

Пахтазор четдаги йўлдан ўтиб кетаётган, тут дарахтларининг бирида қандайдир қуш боласининг чийиллаган овозини эшитдим. Устига чиқиб қарасам, зарғзгон полапонлари экан. Улар кўзимга жуда ҳам гаройиб кўри-ниб кетди. Ўйда боқиб, катта қиламан, деган ниятда бирини қўлимга олиб, пастга тушдим. Тўсатдан қаердан-дир унинг онаси пайдо бўлди-да, бошим узра чирқиллаб уча бошлади. Мен эса йўлда давом этавердим. Бир маҳал у қаноти билан бошимга келиб урилса...

Ушандагина катта хато қилганимни сездим. Дарҳол орқага қайтдим-у, қушчани нинга қўйдим.

Бу воқеа анча йиллар илгари, болалигимда содир бўлганди. Уни эслаганимнинг боиси, баъзи одамларнинг қушларчалик ўз фарзандларига меҳри йўқ.

Мисол учун Тошкент тумани Киров қишлоғида яшовчи Қўрбонбой Нисозов ўз фарзандининг отаси. Аммо уларнинг кўз ёшларини оқизиб, ажради-кетди. 1989 йилдан буён уларга алимент ҳам тўламайди, чунки ҳеч қаерда ишламайди.

Яна шундай алиментчиларнинг бири Ҳасанбой қишлоғида истиқомат қилувчи Маъмуржон Махамедовдир. У ҳам ўз фарзандининг отаси. Аммо қонун уларнинг танобини тортиб қўйишни лозим кўрди. Яқинда Тошкент тумани халқ суди бу икки алимент тўлашдан боти товлаётган оталарни бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига тортишга ҳужм қилди.

— Қўрбонбой ва Маъмуржон сингари алимент тўлашга мажбур шахсларнинг паспортларига махсус муҳр босилади. Аммо кўпинча ишга жойлашган вақтида кадрлар бўлимидаги ходимлар эътибор беришмайди. Оқибатда улар маошини тўла олиб юришаверади. Бу эса кечириб бўлмас ҳолдир, — дейди Тошкент тумани халқ суди раиси Тўлқин Юсупов.

Ҳа, у ҳақ гапни айтди. Чунки айрим оталар атайлаб кам маош оладиган ишларга кириб олишади. Айниқса, булар савдо, озиқ-овқат соҳасида, тақсид ҳайдовчилари орасида кўп экан.

Айёрлик қилиб кам нафақа тўлаш иложини тошган бу оталарни гўдакларнинг кўз ёшлари тутмасмикан?!

М. ҲАКИМОВ.

ЛАТОФАТДА АЁЛНИ ДОҒЛАБ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Эхтирослар оғушида нозанинга яқин келиб, мабодо у билан танишиш истагини баён этсангиз: «Вой, айланай, нега мени жонон дейсиз. Ахир, мен ўғил боламан-ку», — дейди.

Унинг оғзидан чиқаётган сўзга қулоқ тутиб, кийинишига, пардоз-андозига назар солсангиз, беихтиёр ёқангизни ушлайсиз. Кофта-юбка кийган аёлнинг эркаклигига қандай ишонч ҳосил қилишни билмай бошингиз қотади.

Мен бу антиқа нусха билан Чилонзор тумани ички ишлар бўлимида учрашдим. Жиноят қидирув бўлимида бошлиғи ўринбосари милиция капитани Шавкат Зиёмухамедов, оператив вакил милиция катта лейтенанти

Арам Арутюнян «соҳибжамол» билан суҳбатлашар эканлар, уларнинг ҳам мияларидаги фикр айқаш-уйқаш бўлиб кетди.

Жумҳурият жиноят мажмуасининг 91-моддаси 2-банди билан айбланаётган ва қидирувда бўлган Рустам Алишеров ўзбекистон жумҳурияти жиноят мажмуасининг 91-моддаси 2-банди билан айбдор, деб топилди. Ундан ҳеч қаерга кетмаслик

Хўш, Наманган вилоятилик Рустам Алишеров нега қидириляётган эди? Жиноий ишдаги материаллар бу ҳақда батафсил ҳикоя қилиб беради.

Фуқаро Алишеров Рустам Нажмиддинович (1973 йили туғилган) 12 ёшдан бошлаб Бошқирдистоннинг Колмашево қишлоғида онаси ва укаси билан яшаб келади.

1990 йилнинг 5 февралда Тошкентнинг Байналми-

лал кўчасидаги уйларнинг бирида ширакайф ҳолатда Шохид Аҳмедова деган аёл билан жанжаллашиб, уни муштлайди ва бошини асфальтга уради, ойна синиги билан юзларини кесади. Суд-тиббий экспертизаси ҳулосасига кўра аёл тан жароҳати олган. Онгли тарзда безорилик қилган Рустам Алишеров Ўзбекистон жумҳурияти жиноят мажмуасининг 91-моддаси 2-банди билан айбдор, деб топилди. Ундан ҳеч қаерга кетмаслик



ДЕВОР ОШИБ...

Бироздан сўнг етиб келган Жиззах шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлимида катта оператив вакил милиция капитани Қахрамон Калимулин ва участка вакили

милиция капитани Уктам Низомовлар атрофни синчиқлаб кузатиб чиқдилар. Барча буюмлар текширилгач, «Романтика-306-1» белгилли магнитофон ва майда-

ҳақида тилхат ёзиб олиниб, қўйиб юборилди ва онасига хабар берилди. Аммо Алишеров пойтахтдан сувга шўнгигандек ғойиб бўлди.

Шу йилнинг 29 мартда Рустам Уфадан Тошкентга қайтиб келди ва дуч келган жойларда яшай бошлади. Унинг вазифаси меҳмонхоналар ва ресторанлар олдидан ўзини кўз-кўз қилаётган, ҳуснини, латофатини, қолаверса, баданини пуллаш иштиёқида ёнаётган қиз-жувонларни олифта ва бойвачча эркакларга топиб бериш эди. Дастлаб у шундай қилди. Вақт ўтган сари Рустам аёл билан эркакнинг лаззатланиш онларида уларга хизмат қилиб юрди, кейин... Ички ишлар идоралари ходимларидан яшириниш мақсадида қизлар кийимига ўралишни лозим топди. Имондорлар нафислиги ва латофатда аёлларни лол қолдирадиган санъатни намойиш этди: қўлларининг нозик, бармоқларининг бежирим ҳаракатлари, бўялган лабларини карашмали буришлари, майда қадам ташлашларию, қоматларининг эшилиши ҳар қандай нозанинни ҳўрсинтирарди.

Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлимида чилонзорлик ҳамкасбларига қўнғироқ қилишиб, қидирувдаги антиқа йигитни олиб кетишни сўрашди.

Энди унинг жиноий ва «жинсий» фаолиятини суд баҳоласа керак.

Мурад МАҚСУД.

Суратларда: Рустам Алишеров; жиноят қидирув бўлимида оператив вакил милиция катта лейтенанти Арам Арутюнян Рустам билан суҳбатда.

Муаллиф олган суратлар.

чуйдалар ўғирланганлиги маълум бўлди. Ўғри ҳовли деворидан ошиб кирганлиги билиниб турарди.

Кечга бориб 1974 йилда туғилган ўспирин Зафар Мамадиев қўлга олинди. Эркин Хайитовнинг молмулки қайтариб берилди. А. МУМИНОВ.

Нина Павловна ТОРБИНА



Нина Павловна Торбина оламдан ўтди. Бу мусибатли хабар уни билган ҳар бир кишини, шу жумладан кўплаб ички ишлар идоралари ходимларини изтиробга солди. Умрининг сўнгги дақиқаларигача Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, истефодаги ички хизмат полковниги, ЎзССЖда хизмат кўрсатган ҳуқуқчи қалб кўрини ва куч-қувватини ишга, Ватанга хизмат қилишга сарфлади.

ЎзССЖ ИИБ ҳайъати ва бутун шахсий таркиби ажойиб инсон дунёдан ўтгани муносабати билан чуқур қайғуда. У хотирамизда ҳаракатчан, зияли, ёқимли ва бениҳоя инсонпарвар одам сифатида сақланиб қолади.

«КўНГИЛЧАНЛАР»

Босқинчилик ҳақидаги хабарларнинг кўпига дуч келгансиз. Лекин бунақасини учратмаган бўлишингиз керак. Яқинда марғилонлик А. Исоқов милицияга келиб, ўтган йил 25 декабрда Хонқиз қишлоғида икки нотаниш йигит унга пичоқ ўқталишгани ва 200 сўм пули ҳамда 6 минг сўмлик қимматбаҳо қоғозини олиб қўйишганини айтди. Кўнгилчан босқинчилар ўзлари тунаган одамни машинага чиқариб, уйига ташлаб ўтишган.

Ғ. ТЕМИРОВ.

ҲАФСАЛАНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Шу йил 5 февраль кунини Қува туманидаги 14-мактаб қоровули Абдумутал Турсуновдан шикоят хати олдик. Унинг қисқача мазмунини шундан иборат:

«...22 январь кунини соат 22.30 да Шухрат Қаҳҳоров, Эркин Абдуллаев деган шахслар маст ҳолатда мен ётган қоровулхонага киришди. Фасод гап айтишди, кейин безорилик содир этишди. Осойишталигимни бузишди, дам олишга путур етди. Шухрат тўнимдан тортиб йиқитди, илжайди-тиржайди.

Мен хонадан чиқиб кетдим. Қозонхонага бордим. Ортимдан қолишмади, у ерда ҳам ҳақорат қилишди. Мен тўғри колхоз идорасига келиб, милицияга телефон қилдим. Лекин бирор киши келмади. 23 январь кунини милиция бошлиғи номига ариза ёзиб бердим. Шу кунгача расман жавоб йўқ. Участка вакилини ёса умуман кўрмадим.

Уша тун безорилар қозонхона ўт ёқувчиси Жумабойни ўласи қилиб урганлар. Соат 24.30 да мактаб қоровулхонасига келиб, мени тополмаганлар. Жумабой ёса олти кун касалхонада ётиб чиқди.

Хулласи калом. Қувада милиция ишлайдими ёки йўқми?

Шухратполвоннинг битта акаси ГАИ инспектори, отаси математика ўқитувчиси экан. Булар билан ким гаплашади? Ёки бизларни ҳеч ким тингламайдими?..»

Бу сатрларни минг бир ҳадик билан ўқиб чиқдик. Эхтимол, шикоятчи «олиб қочаётгандир» (хизмат дав-

рида бунақа ҳолларни кўп кўрганмиз), эхтимол, чиндан ҳам унинг даъволари ўринлидир. Ҳар ҳолда ўрганиб кўриш керак.

Хуллас, ижодий жамоамиз аъзолари фикри бир жойдан чиқди. Масалани воқеа жойининг ўзида мутахассис ҳамкасбларимиз ўрганишгани маъқул. Шу боис Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи милиция генерал-майори Р. Х. Абдуллаев номига хат жўнатдик ва айни пайтда воқеани таҳлил қилиш жараёнида асқотади, деб ўйлаб, шикоятчи мактубини ҳам қўшиб юбордик.

Ҳаммага аёнки, раҳбарнинг ташвишлари кўп бўлади. Шунинг учун у ҳар бир шикоятчи шахсан ўзи текшириш имкониятидан маҳрум. Худди шунингдек, Рустам Худойберганович топиригига мувофиқ мутасадди ўртоқлар бу масалани ҳал этиб, тахририятимизга натижасини маълум қилишлари керак эди.

Мавжуд тартибга кўра вақтли матбуот нашридан келган сўровга қорхона ва ташкилотлар узоғи билан бир ой ичида жавоб беришлари даркор. Лекин фарғоналик ҳамкасбларимиз ана шу тартибни «унутган» кўринадилар. Алқисса, биз вилоят ИИБга бевосита уч-тўрт марта қўнғироқ қилиб, унутилган тартибни ва шикоят тақдирини уларга эслатиб турдик.

Ниҳоят, уч ярим ой деганда қулогимиз ўрганиб кетган қоп-қоп ватдаларига бир марта вафо қилганларига гувоҳ бўлдик, мана бу жавоб хати қўлимизга тегди:

05.08.1991

Фарғона область ички ишлар бошқармасининг ОПС бўлимининг бошлиғи милиция майори Якубов К.

Фарғона вилояти Қува ноҳияси Мирон номида жамоа хужалиғи № 14 мактаб ўқитувчиси Турсунов Абдумутални аризаси кўрасидан чиқарилган ҳулоса ИИБ ходимлари уртасида қўхонама қилини. Бул қўнган қамчиликларни участка инспектори милиция капитани Гасулов и курсатиб уттиди.

Участка инспекторларини иш фаолиятини яхшилаш, фуқаролардан тулган аризаларни уа вақтида-ва қонуний ҳал қилиши устидан назорат олиб бориш ИИБ ОПС бошлиғи милиция капитани Султанназаровга топширилди.

Қува район ИИБ бошлиғи милиция капитани : Ғ. Боборахимов Ғ.А.

Лекин хат билан танишиб чиққач, қувончимиз баҳор осмонидagi қуёшдек бир зумда сўнди, ҳафсаламиз пир бўлди.

Майли, атиги 15 сатр хатдаги имло ва мазмуний хатоларни (ИИБ бошлиғи имзо чеккан бўлсада!) кўриб-кўрмасликка, сезиб-сезмасликка олайлик. Ҳатто русча машинкада босилган ҳарфларни ўзбекчалаштиришга ҳам ҳафсала қилишмабди — садқан сар. Лекин «Фарғона область ички ишлар бошқармасининг ОПС бўлимининг бошлиғи милиция майори Якубов К.» номига келган жавоб хатини ўйлаиб-нетиб ўтирмай «Постда» рўзномасига юборганларига «қойил» қолмай илож йўқ.

Шикоятчининг хатида Қува тумани ИИБ бошлиғига алоқадор даъволар ҳам бор

эди. Табиийки, ўз хатоси учун ҳеч ким ўзини ўзи жаъоламайди. Лекин бошқармадаги ўртоқлар буни сезиб-ми-сезмайми, барибир бу ишни ИИБ бошлиғи Г. Боборахимовга юклаган кўринадилар.

Текшириш давомида шикоятчининг ҳар бир даъвоси — ўша тунда колхоз идорасидан қўнғироқ қилинса ҳам милициядан ҳеч ким келмаганлиги, ортаси кунини милиция бошлиғи номига ёзилган ариза жавобсиз қолдирилгани ва ниҳоят участка вакили келмаганлиги сабаблари атрофлича аниқлаштирилиши шарт эди. Булар ҳақида лом-мим дейилмаган. Биров ёрдамга чақирганда қорасини кўрсатмаган участка вакилининг бу муносабати муҳокама қилиниб, унинг айби «кўрсатиб» ўтилибди.

Раҳмон АЛИ.



савол... акс-садо... танқид... фикр - мулоҳаза... хабар...

Хатжисилларни оғганда

Янгилик... Миннатдорчилик... Шикоят... Таклиф...

Одам борки, одамларнинг нақшидир.

Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир.

Алишер НАВОЙИ.

Куртаклар юз очиб келатган айни баҳор пайтида бир онадан туғилган икки кучукчани сотиб олди. Бирини «Рекс», иккинчисини «Старт» деб номладик. «Рекс» бизникида, «Старт» эса бир маҳалла нарида яшайдиган укамнинг ҳовлисида катта бўлди. Улар бир-бирларига шундай ўрганган эдики, ҳовлимизни ўраган тўрт пахсали девор ҳам тўсиқ бўлмай қолди.

Кунларнинг бирида қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдик. Кечқурун одатдагидек «Рекс»ни занжирдан бўшатиб юбордик. Телевизор кўриб овқатландик. Кейин эдик. Эрталаб итнинг узоқдан тинмай ириллаган товушини эшитиб уйғондим. Югуриб ташқарига чиқдим. Не кўз билан кўрайки, ҳовлимизнинг этагида шимининг орқа томони йиртилиб кетган бир киши хўжалик сумкаси билан кўсини беритганча дағ-дағ титраб турар, ундан икки-уч метр нарида «Рекс» чўнқайиб олган, пичоқдай тишларини кўрсатиб, тинмай ириллар эди. Дарҳол милицияга хабар бердик. Маълум бўлишча, ҳаммамиз уйқуга кетган пайтимизда у одам уйимизга ўғирликка тушган экан. Сумкасида бишотимизда йиғилиб қолган

пуллару тилла заёмлар чиқди.

Кейин милиция ходимларидан эшитдик. Ўғри тун ярмида энг чеккада жойлашган хонамизга кириб, бояги нарсаларни ўмарибди. Девор ошиб кетмоқчи бўлган пайтида «ука»синикидан келатган итимизга дуч келибди. «Рекс» унинг юмшоқ жойидан бир марта тишлаб, пастга тушишга мажбур қилиб-

турдида, суякни тишлаб, ташқарига йўргалади. Изма-из сездирмай боравердим. Гоҳ югуриб, гоҳ яшириниб узоқ юрдим. Шаҳардан бутунлай ташқарига чиқиб кетдик. «Рекс» шудорга чиқиб олгач, шундай югурдики, энди унга етиб бўлмасди. Лекин кўпчиган тупроқда қолган изидан боравердим. Из мени тўппа-тўғри кучуклар боқиладиган итқўрага олиб

учун ҳар кун «ука»сига емиш ташир, қон силқиган ярасини ялар экан. Унинг меҳрибончилиги туфайли (мен шундай тушундим) «ука»си ўлмай қолган бўлсада, барибир бели синиб кетганлиги учун ўрнидан туролмасди.

Уни уйга олиб келдим. Кунлардан бир кун ўғилчам қичқириб қолди:

— Дада, қаранг, «Рекс» бир кучукнинг қорнини ёриб ташлади!

Бу ўша — «Старт»нинг умрига зомин бўлган, яъни итқўрага эргаштириб борган урғочи кучук эди.

«Ука»сининг ўлими унга қаттиқ таъсир қилди. Увлани увланган, «Старт» кўмилган жойни тирнаб очмоқчи бўлади. Ҳайдасак, ташқарига чиқиб кетади.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, бир гап қўлогимга чалиниб қолди.

Итқўра эгаси бир итни арматура билан урганда, иккинчи бир овчарка унинг тўпигини тишлаб қочган эди. У бечора шифохонада давланиб чиққач, яна ўша овчаркага рўпара келибди. Бу гал жуда ёмон қопибди. Дўхтирларнинг гапига қараганда, энди оёғи майиб бўлиб қолармиш...

Бу «Рекс»нинг иши эканлигини тушундим.

Холмуҳаммад МУЙДИНОВ,
милиция старшинаси.

ХАЛОСКОР

Февраль ойи жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларига қараганда Фарғонада совуқ келди. Кунда, кунора қор ва ёмғир ёғди. Ариқлар ва сойларда сувлар айқириб оқди.

Ана шундай кунларнинг бирида Фарғона шаҳрилик бошланғич синф ўқувчиси Мақсуджон Исоқов Марғилонсойга тушиб кетди. Фақатгина бир марта «А-а-а» деб чинқаришга улгурди, холос. Кейин гўё писта пўчоғи каби катта тезликда оқа бошлади.

Бу воқеани кўрганлар эса: «Эси, болакай!», — дея бош чайқаб қолаверибди. Қаттиқ шовуллаб қирғоққа урилаётган сувга тушишга ҳеч ким ботинмасди.

Фарғона шаҳар ИИБ участка вакили милиция лейтенанти Ғанижон Қамбаров бунинг узоқдан кўрди. «Урал» белгилли хизмат мотоциклни Марғилонсой бўйлаб учуриб ҳайдади. Ниҳоят оқиб бораётган боладан 15-20 метрча олдинга ўтиб олди-ю, уст-бошини ечмай, ҳатто қуролни олиб қўйишга ҳам улгурмай ўзини сойга отди.

Болани ушлаб қолишга ҳаракат қилди. Лекин қутурган сой ўз «ўлка»сини осонликча бериб қўйишни «истамасди».

Ғанижон ҳам бўш келмади. Унинг сузиш бўйича биринчи разрядли спортчи эканлиги қўл келди. Ҳушдан кетган Мақсуджонни қирғоққа олиб чиқиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатди. Кейин зудлик билан шифохонага олиб борди.

Ҳозирги кунда Мақсуджон соппа-соғ. Мақтабда ўқишни давом эттиряпти. Унинг отонаси эса шаҳар ИИБга, шаҳсан милиция лейтенанти Ғанижон Қамбаровга битмас-туғнамас миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Абдуҳаким АҲМЕДОВ.

ЎҚ ОТИЛАДИ

Ўқ отилди олис-олисдан,
Билмам уни кимлар
отдилар.
Талвасага тушиб
дарранда —
Паррандалар қанот
қоқдилар.
Балки уни шунчалар
эрмак
Қилмоқ учун отганлар
бордир.
Ёни улар жондор бир
зотнинг
Умрин хазон этмоққа
зордир.

Нима учун учди қўрғошин?
Қай нишонга тегди,
билмадим.
Ўқ отганга ғазабим
ошиб,
Қаламимни... бўлиб
ташладим.
Зубайдулло
МУҲАММАДИЕВ,
Қашани тумани ИИБ ҳу-
қуқбузарлигининг олдинги
олиш бўлимаси бошлиғи,
милиция майори.

ПОРАХОН

(АЛДАНГАН ОШИҚНИНГ ПОРАХОН
БЕРГАНОВАГА ОЧИҚ ХАТИ)

Не сабаб бўлдим сенга, дўсту иноқ, Порахон,
Учрашиб очдим кўнгли, деб кўнгли оқ, Порахон.

Севдим у бўлдим асир, домингга тортдинг мени,
Рангнингга тўймас кўзим, гулгун иноқ, Порахон.

Айш-ишрат сен туфайли, қўш участка, қўш мошини,
Талтайиб кетдиминикин, кўзимга боқ, Порахон.


Имтиҳон эдингми ё жигирдонинг кенглигини,
Лек ҳануз васлининг зор, қўллар муштоқ, Порахон.

Лоладек гулгун юзининг ҳам ширин бўйинг билан,
Оқибат маст айладинг, кетма йироқ, Порахон.

Биргасан деб уйласам то умр сўнгитгача,
Бевафо ҳам бемехр чиндинг бироқ, Порахон.

Ёр чизиб, бошим эгиб, пачжара ортидаман,
Мақсадинг бўлмоқ экан менга тузоқ, Порахон.

Абдуғулом ҚОЗОҚОВ,
Андижон тумани ўрта мактаб ўқитувчиси.



ҚЎШИЛАМАН

Рўзномамизнинг 14 май кунги сониди «Миқдори кўпайтирилсин» деган мақоладаги фикрларга тўла қўшиламан. Биринчидан, рўзнома миқдорини кўпайтириш, иккинчидан, номини ўзгартириш зарур.

Рўзномамизни «Постда» деб эмас, «Эл хизматида» деб номласак яхшироқ бўларди.

Маҳмуд МУСТАФОЕВ,
милиция капитани.

ҚЎШИЛМАЙМАН

Рўзнома номини ўзгартириш ҳақидаги фикрларга қўшилмайман. Чунки у ўз мухлислари ўртасида «Постда» номи билан шуҳрат қозонди. Бу ном ўзгартирилса, халқ чалғийди.

Шу боис асосий куч ва маҳоратни берилаётган материалларнинг янада ҳаққоний ва таъсирчан бўлишига қаратиш лозим.

Эминжон ОВИДОВ,
милиция катта лейтенанти.

БОШҚОТИРМА

Расмдаги тошларни шундай жойлаштириш керакки, энига ҳам, бўйига ҳам, диагонаliga ҳам қайтарилмасин.

Тузувчи
Элшод РАҲМАТОВ.

ҚОНУНЛАРИМИЗ НАМУНЧА БЎШ?

Мен Қувасойданман. Оиламиз билан санъаткорлармиз. Қолаверса, рўзномамизнинг аниқдир мухлисман. Афсуски, «Постда»нинг қайта «туғилганидан» беҳабар қолбман. Ҳозирча унинг ҳар бир сонини сотиб олиб ўқишман. Худо хоҳласа, янги йилдан, албатта, обуна бўламан.

Энди мақсадга кўча қолай. Назаримда ой сайини, кун сайини жиноятчилар сафи кенгайиб борапти. Яхшидан ёмон кўп бўлса, додингги кимга айтасан?

Айинқса, шу ойда (қайси кун эканлиги ёдими йўқ) эрталаб радио эшиттирган «янгилик» газабимни қўзғиди. Ота маст ҳолатда келиб, икки яшар қизини уриб ўлдирган. Еки яна бир одам мастликда ҳавога 46 марта ўқ узган.

Дарвоқе, сизларнинг рўз-

номамизда ўз норасида қизларини зўрлаб қўйган ота ҳақида ўқиганман. Наҳотки, шундай «ота»ларга энг олий жазо муносиб эмас? Жумҳуриятимиз жиноят қонунлари мажмуаси билан атайлаб танишиб чиқдим. Ҳозир жиноятчиликнинг шундай турлари келиб чиқаяптики, уларни «баҳолашда» бу мажмуа ниҳоятда ожиз ва ночор.

Уч-тўрт марта «ўтариб» чиққанлар тақрор жиноят содир этаяпти. Яна суд қилиш керак (?). Ахир, кимга керак бундай оворачиликлар? Халқимиз буқрини гўр тузатар, деб беизиз айтмаганку! Уларни тўғридан-тўғри олий жазога ҳукм этса, тўғрироқ бўлмайдики?

Бу муаммолар билан ким ва қачон шуғулланади?

Салом билан

Ҳасанжон АҲМАДШОЕВ.

— Ўғирликка тушганингизда кекса онангиз ҳақида ҳам ўйладингизми?

— Албатта, ўйладим, жаноб судья. Аммо унга лойиқ ҳеч нарса йўқ эди-да у ерда. Русчадан Ҳабиб СИДДИҚ таржимаси.

ДУНЁ КУЛАДИ

Банкка тўппончали ўғри-кириб келди. Банк бош ҳисоб-чиси кўрқиб бошини кўтарди.

— Э-э, сизмидингиз, — деди у мамнун, — мен ревизор-микан деб ўйлабман.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени боғлаҳонаси 700063, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

Вуяортма — 5409.

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
УзССР

Рўзнома офсет усулида, А-3 қолипда босилган 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Индекс: 64815.